



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДАГИ  
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАК  
СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ,  
УЛАРНИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ

Республика илмий-амалий анжуман материаллари

## Т Ў П Л А М И

2020 йил 13 ноябрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ  
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ  
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАК  
СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, УЛАРНИ  
ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ**

**мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман  
материаллари**

**Т Ў П Л А М И**

**2020 йил 13 ноябрь**

**Бухоро – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ  
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАК СУВ  
ЎСИМЛИКЛАРИНИ ҚЎПАЙТИРИШ, УЛАРНИ ХАЛҚ  
ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ**

**мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари**

**Т Ў П Л А М И**

**2020 йил 13 ноябрь**

<i>Muharrir:</i>	<i>G'.Murodov</i>
<i>Texnik muharrir:</i>	<i>G.Samieva</i>
<i>Musahhih:</i>	<i>A.Qalandarov</i>
<i>Sahifalovchi:</i>	<i>M.Ortiqova</i>

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original – maketdan bosishga ruxsat etildi: 16.11.2020. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog'oz. Bosma tobog'i 9,7. Adadi 100. Buyurtma №189.

“Sadridin Salim Buxoriy” MChJ  
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri M.Iqbol ko'chasi 11-uy.  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadridin Salim Buxoriy” MChJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri M.Iqbol ko'chasi 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45.

**М У Н Д А Р И Ж А**

**1-ШЎЪБА**

**СУВ ХАВЗАЛАРИДАГИ ТУБАН ВА ЮКСАК  
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ**

Нурниёзов А.А., Ташпулатов Й.Ш., Самарқанд вилоятидаги айрим сув омборлари ва балиқчилик ҳовузларининг гидрофил ўсимликлари	3
Шерназаров Ш.Ш., Ташпулатов Й.Ш. Самарқанд вилояти айрим балиқчилик ҳовузлари альгофлораси таҳлили ва унинг шаклланиш хусусиятлари	6
Исматова З.А. Новқа сув омбори сувўтлари	9
Хусанова О.Ғ., Джураев И.К. Тупроқ альгофлорасида суанорфита бўлимининг таксономик таҳлили	11
Shodmonov F. Q. Dengizko'l kadastrini va o'simliklar qoplamiga oid ta'lumotlar	14
Ташпулатов Й.Ш., Қобулова Б.Б., Дустов Б.С. Зарафион дарёси ўрта оқими альгофлорасининг мавсумий ўзгаришлари	16
Mustafayeva M.I. Dynamics of growth and development of dominant types of bioponds of cleaning facilities Bukhara	19
Алимжанова Х.А., Юлдашева М.П. Шохимардонсой – марғилонсой альгофлорасининг таксономик таҳлили	21
Алимжанова Х.А., Ражабова М.С. Биологические разнообразие водорослей весене- летнего периода Акдарьинского водохранилища	28
Алимжанов Х.А., Шайимкулова М.А. Об изученности альгофлоры водоемов республики Кыргызстана в период 1893 по 1937 года.	32
Алимжанов Х.А., Шайимкулова М.А. Об изученности альгофлоры водоемов республики кыргызстана в период 1937 по 1965 года	35
Халимова Ш. Э. Альгофлора и химический состав биопрудов г.Бухары и их краткая история изучения	41
Алимжанов Х.А., Шайимкулова М.А. Об изученности альгофлоры водоемов республики Кыргызстана в период 1965-2020 гг	44
Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Жабборов Б.И. Қора-қир кўлидаги микроскопик сувўтларининг таҳлили	49
Tolmasova N.G'. Zarafshon baliqchilik xo'jaligi hovuzlarida o'suvchi yuksak suv o'simliklarini aniqlash	51

## ҚОРА-ҚИР КЎЛИДАГИ МИКРОСКОПИК СУВЎТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**С.Б.Бўриев, А.М. Қобилов, Б.И. Жабборов**  
*Бухоро давлат университети*

Қора-қир табиий кўли (кўллар системаси) Бухоро воҳасининг шимолий ғарбида жойлашган. Қора-қир коллектор сувлари тўпланиш ҳисобига ҳосил бўлган. Шимолий коллектор кўл сувининг асосий манбаси ҳисобланади. Кўлдан сув олинмайди, сувнинг асосий қисми буғланиш ва фильтрация ҳисобига камаяди. Қорақир табиий кўлининг флористик таҳлил қилишда аниқлагичлардан фойдаланилади. Қорақир кўлида фитопланктон турларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари 2015-2019 йилларни ўз ичига олади. Бу вақт мобайнида кўлнинг планктон таркибида учрайдиган сувўтларининг турлари ва уларнинг мавсумий учраши ва фитомассаси ўрганилди. Кўлнинг сув билан қоплаган қисми 22,5 минг гектар бўлиб 3 та контур (катта сувлик, кичик сувлик ва аквариум)га бўлинади. Ўрганишлар натижасида аниқланган фитопланктон турлари 3 контурда ҳам деярли бир хил.

Кўлдаги фитопланктонлар йил давомида ўсиб ривожланиб туради. Микраскопик сувўтларнинг ўсиш диамикаси сув ҳарорати билан боғлиқ ҳолда доимий равишда ўзгариб боради. Сувўтлар асосан баҳор ва ёз ойларида катта биомасса ҳосил қилиб кўл сувининг рангини ўзгартириб юборади. Апрель ойидан октябрь ойигача фитопланктон ривожланиб кўпаяди. Апрель ойида ҳаво ҳарорати 30 °С бўлганда фитопланктон ривожланиб кўпая бошлайди. Сувнинг ҳарорати 20-26 °С бўлганда яъни июнь ойидан август ойигача фитопланктонларнинг ривожланиши максимал даражага чиқади. Куз ойлари охирига келиб ҳаво ҳарорати пасайиши билан сув ҳарорати ҳам пасайиб боради. Шу сабабли фитопланктонлар ривожланишдан тўхтаб қолди. Кўл коллектор сувлари ҳисобига ҳосил бўлганлиги сабабли сув таркибида биоген элементлар миқдори юқори даражада бўлади. Бу эса биоген элементларга талабчан бўлган фитопланктонларнинг кўпайишига олиб келади.

Сувўти хужайралари сувдаги сони ва биомассаси йил давомида ўзгариб туради. Фитопланктон ривожланиш даражаси ва биомассасининг тарқалиши кўпгина омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Биринчи навбатда сув ва ундаги биоген элементларга боғлиқ.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақир кўлидан жами 100 дан ортиқ намуналар йиғилди ва таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасида 4 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 26 оила, 35 туркумга мансуб 139 тур ва тур хиллари аниқланди (жадвал).

Бухоро вилояти коллектори сувларидаги альгофлора турларига нисбатан кўллардаги сувўтларининг турлари кам сонли. Бунга асосий сабаблардан бири коллектор сувларида сув доим оқиб туради, оқиб


турувчи сувларнинг планктон таркибидаги турлар сони ниҳоятга кўп бўлади. Қорақир кўли Шимолий коллектор сувининг йиғилиши натижасида ҳосил бўлган. Кўлдан сув чиқиб кетмайди. Шунинг учун ҳам турлар сони кам учради.

жадвал

#### Қорақир кўли сувўтларининг таксономик таҳлили

№	Бўлим	Таксономик бирликлар сони					% да
		Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур	
1	<b>Bacillariophyta</b>	3	7	9	11	52	37,41
2	<b>Chlorophyta</b>	4	8	12	14	41	29,50
3	<b>Суанophyta</b>	1	3	4	8	34	24,46
4	<b>Euglenophyta</b>	1	1	1	2	12	8,63
	<b>Жами: 4</b>	<b>9</b>	<b>19</b>	<b>26</b>	<b>35</b>	<b>139</b>	<b>100,00</b>

Bacillariophyta бўлимига тегишли бўлган 52 (43 тур, 9 вариация) турлари билан етакчилик қилиб, жами сувўтларининг 37,14 % ташкил қилади. Кейинги ўринларда Chlorophyta (41 тур, 29,29 %), Суанophyta (34 тур 24,29 %), Euglenophyta (12 тур, 9,29 %) бўлимлари ташкил этади



#### Қорақир кўли сувўтларининг тарқалиш динамикаси

Қора-қир кўлининг альгофлораси таркибини асосан кўк-яшил, яшил ва диатом сувўтлари ташкил қилади. Кўк-яшил сувўтларидан *Oscillatoria limosa* Ag, *O.amphibia* Ag, *O.angusta* Корре, *O.sancta* Gom, *Merismopedia glauca* Nag, *M.tenuissima* Lemm, *Microcystis muscicola* Elenk, *Anabaena bergii* Ostenf, Яшил сувўтлардан *Scenedesmus acuminatus* Chodat, *S.obliquus* Kutz, *Pediastrum borganum* Menegh, *Ch. vulgaris* Beyer, *Ankistrodesmus angustus* Bern, *Ulothrix zonata* Kut, Диатом сувўтларидан *Diatoma elongatum* Ag, *D. vulgare* Bory, *Melosera ambigua* O.Mull, *Synedra acus* Kutz, *S.capitata* Her, *Navicula cari* Her, *N.cincta* Kutz, *Cymbella laevis* Nag, *Mastogloia baltica* Grun, Эвглена сувўтларидан -*Euglena variabilis* Klebs, *E.acus* Her,

*E. aculeata* P.Christ, *E. hemichrcmata* Skuja, *E. proxima* Dang, *Phacus alatus* Klebs, *Ph. caudatus* Hubner каби турлар кенг тарқалган.

#### Адабиётлар

1. Эргашев А.Э. Флора водорослей коллекторно-дренажной сети голодной степи.//Фан. Ташкент 1968 г. 252-с
2. Милоградова Е.И., Музафаров А.М. Массовое культивирование хлореллы в Узбекистане и использование ее в народном хозяйстве. О производственной культур одноклеточных водорослей. Ташкент 1966 г
3. Ниязов Д.С., Буриев С.Б. Гидробиологическая характеристика озеро Кара-Кыр (юго-западного кызылкума). III Съезда микробиологов Узбекистана. Тез. докл респ. науч. конф. 9-10 ноябрь Ташкент 2005 г 94 с
4. Эргашев А.Э. Видовой состав флоры водорослей водоемов Голодной степи. Водоросли водоемов Узбекистана.//Фан Ташкент 1969 г 32-144 с

### ZARAFSHON BALIQCHILIK XO'JALIGI HOVUZLARIDA O'SUVCHI YUKSAK SUV O'SIMLIKLARINI ANIQLASH

N.G' Tolmasova

*Buxoro davlat universiteti*

Zarafshon baliq xo'jaligi hovuzlarida o'txo'r baliqlardan oq amur va oq do'ngpeshona baliqlari faollik bilan boqiladi. Ma'lumki, oq amurning asosiy oзуqasi yuksak suv o'simliklari hisoblanadi. Zarafshon baliqchilik hovuzlarida yuksak suv o'simliklaridan suv ostida va yarmi suvda yashovchilari mavjud. Suv ostida yashovchi o'simliklardan –potamogeton pectinatus, P.crispus, P.perfoliatus, Najas graminea, Marsilia quadrifolia, Polygonum nodosum va boshqalar uchraydi. Yarmi suvda o'suvchi o'simliklardan- Phragmites communis, Typha latifolis, T.laxmanii, T.angustifolia, Scirpus lacustris, S.mucronatus va boshqalar uchraydi. Hovuzlarda suv yuzida yashovchi o'simliklar mavjud emasligi aniqlandi.

Mikroskopik suvo'tlaridan ko'k-yashil, yashil, evglena diatomlarga mansub bo'lgan turlari aniqlandi. Ko'k yashil suvo'tlaridan Oscillatoria angusta, O.geminata, O.limosa, O.acutissima, O.brevis, O.planctonika, O.tenuis, O.formosa lar, yashil suvo'tlaridan Ankistrodesmus acicularis, A.angustus, A.arcuratus, Chlorella vulgaris, Ch.pyrenoidoza, Scenedesmus obliquus, S.quadricauda, S.quadricauda, S.acuminatus, Microspora pachyderma, Ulothrix zonata, U.variabilis, Cladophora fracta, C.glomerata, Oedogonium intermedium, Vaucheria dichotoma, Closterium dianaе, diatom suvo'tlaridan- Cyclotella comta, C.bodanica, Diatoma anceps, D.vulgare, Melosira ambigua, M.granulata, Synedra acus, S.capitata, S.ulna, Navicula cari, N.hasta, N.peregrina, Cymbella affinis, C.prostrata, evglena suvo'tlaridan-Euglena aculeate, E.deses, E.acus, E.fenestrata, E.variabilis.